



YEVROPA ITTIFOQI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLYI MAJLISINING
SENATI



Adliya Vazirligi
Davlat Xizmatlari
Agentligi



Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари котибиятлари фаолиятини самарали ташқил этиш масалалари бўйича услубий

ҚўЛЛАНМА

(амалиётда фойдаланиш учун)

Тошкент
2021



**Халқ депутатлари маҳаллий
Кенгашлари котибиятлари фаолиятини
самарали ташкил этиш
масалалари бўйича услубий**

Қ ў л л а н м а

(амалиётда фойдаланиш учун)

Тошкент – 2021

Лойиҳа раҳбари:

Аброр Ходжаев

Тадқиқот координатори:

Орзимурод Ғайбуллаев

**Олий Мажлис Сенати қўмита раиси ўринбосари,
Сенатнинг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга
қўмаклашувчи комиссияси раиси, профессор Т. Мадумаров таҳрири остида тайёрланди.
Муаллифлар жамоаси:** Э. Нуриллаев, Қ. Муқумов, А. Чинмирзаев
Масъул муҳаррир: Қ. Муқумов

Мурожаат учун:

БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси

100029, Тошкент,

Т. Шевченко кўчаси 4-уй

policybrief@undp.org

www.uz.undp.org

Тел.: (998 71) 120 34 50

(998 71) 120 61 67

Факс: (998 71) 120 34 85

Ушбу қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳамда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, БМТ Тараққиёт Дастури ва Европа Иттифоқининг “Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида давлат хизматларини тақдим этишни такомиллаштириш ва бошқарув даражасини ошириш” қўшма лойиҳасининг 2021 йилга мўлжалланган биргаликдаги чора-тадбирлар режаси доирасида тайёрланган.

Ушбу қўлланмада келтирилган фикр ва хулосалар фақат муаллифларнинг фикрларини акс эттиради ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, Европа Иттифоқи Делегацияси ва БМТТДнинг расмий нуқтаи назари ҳисобланмайди.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ 4

I ҚИСМ | ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШИ КОТИБИЯТИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ 6

- 1.1. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши котибияти ташкил этилиши ҳамда унинг ҳуқуқий асослари 8
- 1.2. Котибиятнинг асосий вазифалари 9
- 1.3. Маҳаллий Кенгаш фаолиятини ахборот-таҳлилий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан таъминлаш 9
- 1.4. Маҳаллий Кенгаш ва унинг доимий комиссиясининг назорат соҳасидаги ваколатларини самарали амалга оширишга кўмаклашиш 10
- 1.5. Маҳаллий давлат бошқаруви органи раҳбарининг ҳисоботи (ахбороти) эшитувини ташкил этишга кўмаклашиш 15
- 1.6. Маҳаллий Кенгаш сессияси кун тартиби лойиҳасини шакллантириш, ўтказиладиган тадбир режасини тайёрлаш 23
- 1.7. Маҳаллий Кенгашга келиб тушган ҳужжатлар асосида ахборот, таҳлилий ва бошқа материалларни тайёрлаш 24
- 1.8. Маҳаллий Кенгаш депутати томонидан фуқароларни қабул қилиш билан боғлиқ ишларни ташкил этиш, муурожаатларнинг ҳисобини юритиш ва ижросини назорат қилиш 26
- 1.9. Маҳаллий Кенгаш депутати томонидан юборилган депутат сўрови ва унинг натижасини мониторинг қилиб бориш 30
- 1.10. Маҳаллий Кенгаш раисининг топшириқлари ижроси устидан назорат олиб бориш 32
- 1.11. Маҳаллий Кенгаш фаолиятига оид тадбирлар тўғрисида хабарлар тайёрланишини ва оммавий ахборот воситаларида ёритилишини ташкил этиш 34

- 1.12. Маҳаллий Кенгаш доимий комиссияси мажлиси муҳокамасига киритиладиган масала юзасидан материаллар тайёрланишига кўмаклашиш. 36
- 1.13. Маҳаллий Кенгаш, унинг доимий комиссияси қарори лойиҳасининг қонунларга, юридик техника талабларига мувофиқлигини кўриб чиқиш 36
- 1.14. Маҳаллий Кенгаш доимий комиссиясига назорат-таҳлил ишларини амалга оширишга, турли тадбирларни ташкил этишга кўмаклашиш 39
- 1.15. Маҳаллий Кенгаш сессияси материали лойиҳасининг депутатга етказилишини таъминлаш 40
- 1.16. Маҳаллий Кенгашга келиб тушадиган ҳамда ташкилот ва идораларга юбориладиган хат-ҳужжатларнинг ҳисобини юритиш 40
- 1.17. Маҳаллий Кенгаш фаолияти тўғрисида таҳлилий ахборот тайёрлаш 41
- 1.18. Доимий комиссия фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш 42
- 1.19. Котибиятнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кўмиталари (комиссиялари) билан ҳамкорлиги 50
- 1.20. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши учун намунавий номенклатура 52

II ҚИСМ | МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДЕПУТАТИНИНГ ДЕПУТАТ СЎРОВИ БИЛАН ИШЛАШ МАСАЛАЛАРИ 60

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР 81

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев Олий Мажлис Сенатининг 2020 йил 20 январдаги мажлисида Парламент юқори палатасининг маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорлигини, улар фаолиятига амалий ва услубий кўмак кўрсатиш борасидаги фаолиятини янада кучайтириш лозимлигини алоҳида таъкидлаган эдилар.

Шу мақсадда Олий Мажлис Сенати томонидан ўтган давр мобайнида маҳаллий Кенгашларнинг фаолият самарадорлигини оширишга, бу борада уларга ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатишга, маҳаллий Кенгаш депутатларининг том маънода “халқ вакиллари” бўлишларига эришишга алоҳида эътибор қаратилди.

Авваламбор, Олий Мажлис Сенати билан маҳаллий Кенгашларнинг яқин ҳамкорлигини таъминлаш, “қайта алоқа” тамойили асосида жойлардаги муаммоли масалаларни ҳал этишга кўмаклашиш, зарур ҳолларда, Парламент муҳокамасига олиб чиқиш тизими жорий этилди.

Маҳаллий Кенгашлар фаолиятини ахборот-таҳлилий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан таъминлаш, уларнинг назорат соҳасидаги ваколатларини самарали амалга оширишга, сессияларда маҳаллий давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитувини ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида алоҳида тузилма – маҳаллий Кенгаш котибияти ташкил этилди ҳамда фаолияти учун барча шарт-шароитлар яратилди.

Натижада маҳаллий Кенгаш сессиялари нафақат сон жиҳатдан, балки сифат жиҳатдан ҳам янги босқичга кўтарилди. Сессиялар қизғин муҳокамалар майдонига айланмоқда. Маҳаллий Кенгаш олдида ҳисобдорлиги бўйича маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарларининг масъулияти ортмоқда.

Олий Мажлис Сенати томонидан маҳаллий Кенгашларни услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маҳаллий Кенгашлар депутатларини ҳуқуқий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислохотлар мазмун-моҳияти билан мунтазам таништириб бориш, аҳоли билан самарали мулоқот олиб бориш борасидаги кўникмаларини шакллантириш мақсадида махсус ўқув-семинарлар ўтказиш йўлга қўйилди ва бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда.

“Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини тўғри ва самарали ташкил этиш масалалари бўйича услубий қўлланма” ишлаб чиқилиб, БМТ Тараққиёт Дастури лойиҳаси кўмагида чоп этилди ҳамда ҳар бир маҳаллий Кенгаш депутатига етказиб берилди.

Маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан ўтказилган учрашувларда билдирилган таклифлар асосида ҳамда бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда маҳаллий Кенгашларнинг намунавий регламенти ҳамда уларнинг доимий комиссиялари тўғрисидаги намунавий низом янгидан тасдиқланди. Маҳаллий Кенгаш доимий комиссияларининг йўналишлари Олий Мажлис Сенати кўмиталари йўналишлари билан мувофиқлаштирилди.



Албатта, маҳаллий Кенгашларнинг ҳақиқий назорат органи бўлишига эришиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижроси юзасидан депутатлик назоратини йўлга қўйиш борасидаги ишлар келгусида ҳам изчиллик билан босқичма-босқич давом эттирилади.

Амалга ошираётган ишларимизнинг мантиқий давоми сифатида бугун маҳаллий Кенгаш котибиятлари учун учун тақдим этилаётган ушбу қўлланма фаолиятингизни тўғри ва самарали ташкил этиш жараёнида ўз фойдасини беради, деган умиддаман.

Т. Нарбаева
Олий Мажлис Сенати Раиси,
социология фанлари доктори

I ҚИСМ

ХАЛҚ

ДЕПУТАТЛАРИ

МАҲАЛЛИЙ

КЕНГАШИ

КОТИБИЯТИ

ФАОЛИЯТИНИ

САМАРАЛИ

ТАШКИЛ ЭТИШ

МАСАЛАЛАРИ



Котибият юридик шахс бўлиб, унинг фаолияти тегишли маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштириб борилади

1.1. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШИ КОТИБИАТИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ҲАМДА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши котибияти (кейинги ўринларда Котибият деб юритилади) “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 20-моддасига асосан ташкил этилади.

Котибиятни ташкил этиш юзасидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши (кейинги ўринларда маҳаллий Кенгаш деб юритилади) қарори қабул қилинади, қарор билан Котибият тузилмаси, низоми, штатлари, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш миқдори ва моддий-техника таъминоти, шунингдек уларни сақлаш харажатлари тасдиқланади.

Котибият мудирининг маҳаллий Кенгаш депутатлари (кейинги ўринларда депутатлар деб юритилади) орасидан унинг ваколати муддатига сайланади ҳамда бу ҳақда қарор қабул қилинади, шунингдек Котибият ходимлари (мутахассислари) Котибият мудирининг тавсиясига асосан маҳаллий Кенгаш қарори билан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади.

Котибият ходимлари депутатлар орасидан тайинланмайди ва меҳнат шартномаси асосида фаолият олиб боради, шу боис уларнинг меҳнатга оид муносабатлари маҳаллий Кенгашнинг ваколат муддатига боғлиқ бўлмайди.

Котибият Ўзбекистон Республикаси Давлат герби ва ўз номи туширилган муҳрига ҳамда бланкаларига эга бўлади.

Котибият юридик шахс бўлиб, унинг фаолияти тегишли маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштириб борилади.

Котибият ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорларига, маҳаллий Кенгашнинг қарорларига ҳамда маҳаллий Кенгаш қарори билан тасдиқланадиган Котибият тўғрисидаги Низомга амал қилади.

Котибият ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органларининг

худудий бўлинмалари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

Котибият фаолиятига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси томонидан амалий-услубий ёрдам кўрсатиб борилади.

1.2. КОТИБИЯТНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Котибиятнинг асосий вазифалари Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2020 йил 11 декабрдаги КҚ-161-IV-сон қарори билан тасдиқланган “Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши котибияти тўғрисида намунавий низом”да белгилаб берилган.

Котибият маҳаллий Кенгаш фаолиятини ташкил этиш учун унинг доимий асосдаги ишчи органи сифатида фаолият олиб боради.

Котибият маҳаллий Кенгашнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунда ва бошқа қонунларда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорларида, белгиланган ваколатлари амалга оширилишини таъминлайди.

Котибият ўз фаолиятини маҳаллий Кенгаш раиси ҳамда Котибият мудири раҳбарлигида амалга оширади, Котибиятнинг асосий вазифалари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши томонидан тасдиқланган намунавий низомда белгилаб берилган.

1.3. МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ФАОЛИЯТИНИ АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ, ҲУҚУҚИЙ, ТАШКИЛИЙ ЖИҲАТДАН ТАЪМИНЛАШ

Маҳаллий Кенгаш фаолиятини ахборот-таҳлилий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан таъминлаш масалалари Котибият томонидан амалга оширилади.

Маълумки, бугунги кунда республикадаги барча вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликларнинг веб-сайтлари мавжуд бўлиб, “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти очиқлиги тўғрисида”ги қонун талаблари асосида иш юритади.

Котибиятнинг асосий вазифалари Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2020 йил 11 декабрдаги КҚ-161-IV-сон қарори билан тасдиқланган “Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши котибияти тўғрисида намунавий низом”да белгилаб берилган

Маҳаллий Кенгаш фаолиятини ахборот-таҳлилий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан таъминлаш масалалари Котибият томонидан амалга оширилади.

Котибият ушбу веб-сайтларни, расмий ахборот манбаларини, ижтимоий тармоқларни мунтазам равишда кузатиб бориши ҳамда улардаги зарур маълумотларни, хусусан, қонунчиликдаги янгиликларни маҳаллий Кенгаш депутатларига хизмат доирасида фойдаланиш учун ёки маълумот учун электрон тарзда тақдим этишни йўлга қўйиши мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, Котибият маҳаллий ҳокимликнинг таркибий бўлинмаларидан тегишли ахборотларни, соҳа бўйича қонунчиликдаги ўзгаришларга доир шарҳларни олиши ҳам мумкин.

Маълумот учун:

- **ташкилий масалалар** – маҳаллий Кенгаш сессиясини, доимий комиссия мажлисини, депутатлар билан учрашувларни, ўқув-семинарлар ўтказишни, қарорлар ва хатлар ижросини ташкил этиш, депутатларга оид маълумот ва ҳужжатларни тайёрлаш жараёни;
- **техник масалалар** – маҳаллий Кенгаш иш ҳужжатларини чоп этиш, кўпайтириш, депутатларга етказиш, ахборот-коммуникация технологиялари орқали ахборот алмашувини йўлга қўйиш, депутатларнинг хизмат сафари билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, депутатларга зарур ахборотларни етказиш учун ижтимоий тармоқлардан фойдаланишни йўлга қўйиш.

1.4. МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ВА УНИНГ ДОИМИЙ КОМИССИЯСИНING НАЗОРАТ СОҲАСИДАГИ ВАКОЛАТЛАРИНИ САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИШГА КЎМАКЛАШИШ

Маҳаллий Кенгашлар фаолиятига амалий-услубий жиҳатдан кўмаклашиш, улар фаолиятини кучайтиришга кўмаклашиш мақсадида Олий Мажлиси Сенатида Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссия ташкил этилган.

Маҳаллий Кенгаш ҳудуд учун умумий бўлган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифаларининг амалга оширилишини, жойларда Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, юқори турувчи маҳаллий Кенгаш қарорлари ижро этилишини таъминлайди ҳамда назорат қилади.



Ушбу ваколатни амалга ошириш учун маҳаллий Кенгаш иш режаси ишлаб чиқилади. Иш режа маҳаллий Кенгаш доимий комиссиялари, депутатлари, маҳаллий ҳокимликнинг таркибий бўлинмалари, ҳудуддаги давлат ва жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари таклифлари, шунингдек ҳудудий вакиллик органи сифатида Олий Мажлис Сенати тавсияларини инобатга олган ҳолда тайёрланади.

Маҳаллий Кенгаш иш режаси лойиҳаси кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш учун сессия муҳокамасига киритилади. Қонун ва қонуности ҳужжатларида белгиланган маҳаллий Кенгаш сессиясида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг ҳисобот ва ахборотларини эшитиш масалалари иш режада акс эттирилиши мақсадга мувофиқ.

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 24-моддасига асосан маҳаллий Кенгаш ижроия ҳокимияти бўлимлари, бошқармалари, бошқа таркибий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини, шу жумладан қонунларга риоя этилиши, маҳаллий Кенгаш қарорларининг ва доимий комиссиялар тавсияларининг бажарилиши юзасидан ҳисоботларини эшитиш ваколатига эга.

Шу боис, ҳудуддаги мавжуд ҳолатларни инобатга олган ҳолда, иш режага бошқа идора ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш масалаларини ҳам киритиш мумкин.

Маҳаллий Кенгаш иш режаси сессияда қабул қилинади ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Маҳаллий Кенгаш иш режасининг бажарилиши унинг сессияларида, сессиялар оралиғида эса унинг доимий комиссиялари мажлисларида муҳокама қилинади.

Котибият маҳаллий Кенгашнинг назорат соҳасидаги ваколатлари ҳар бир доимий комиссия ва депутат томонидан самарали амалга оширилишини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида қуйидагиларни бажаради:

1. Ҳар бир доимий комиссия йўналиши бўйича амалдаги қонунлар рўйхатини тузади, уларни тўплайди ва доимий комиссияга етказди.

2. Ҳар бир доимий комиссия йўналиши бўйича мутасадди идора, ташкилот ва муассасалар ҳамда уларнинг раҳбарлари ва ўринбосарларининг телефон рақамлари рўйхатини тузади ва доимий комиссияга етказди.



3. Ҳар бир доимий комиссия йўналиши бўйича бошқарув органлари фаолиятига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, ижтимоий фикрга оид маълумотларни тайёрлайди ва доимий комиссияга етказди.

4. Назорат объекти сифатида ўрганилаётган масалага оид экспертлар хулосасини, аҳоли ва жамоатчилик фикрини умумлаштиради, келиб тушган мурожаатлар, таклиф-мулоҳазаларни йўналиши бўйича тегишли доимий комиссияга тақдим қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, доимий комиссия масалани ўрганишга чиқишдан олдин режалаштирилган масалани мавжуд маълумотлар асосида олдиндан ҳар томонлама таҳлил қилиши зарур, ушбу таҳлилий маълумотлар асосида ишчи гуруҳ таркиби шакллантирилади.

Экспертларнинг фикри, дастлабки маълумотлар ўрганилади ва жойида ҳақиқий ҳолат фото, видео тасвирларга олинади, реал вақт давомида кузатилган воқелик маълумотда акс эттирилади. Мавжуд ҳолатнинг келиб чиқиш сабаблари чуқур таҳлил қилинади, унга таъсир қилувчи омиллар аниқланади ҳамда тегишли хулоса ва қарор лойиҳаси тайёрланади.

5. Ўрганиш якуни бўйича доимий комиссиянинг мажлисида иштирок этувчилар рўйхати тузилади, уларнинг шахсан иштирок этиши Котибият томонидан назорат қилинади, заруратга кўра ҳокимнинг тегишли ўринбосари доимий комиссия мажлисига таклиф этилади.

6. Доимий комиссия мажлисида ўрганилган масала муҳокама қилиниб, қарор лойиҳаси маъқуллангандан кейин сессияда ушбу масала юзасидан ҳисобот (ахборот) берувчилар рўйхати тузилади, заруратга кўра, экспертларнинг фикрлари сессияга қадар барча депутатларга етказилади.

7. Маҳаллий Кенгаш тегишли қарорининг ижрочиларга етказилишини таъминлайди, назорат қилиш юклатилган доимий комиссия раиси билан биргаликда ижроси устидан назоратни ташкил этади.

Маҳаллий Кенгаш қарори бандларида келтирилган муддатларда ахборотлар олинишини таъминлайди, ўз вақтида бажарилмаганлиги ёки бажарилган иш ҳақида ахборот берилмаганлиги юзасидан қарор назорати юклатилган шахс томонидан мутасадди идорага эслатма хати юборилишини ташкил этади.

Маҳаллий Кенгаш қарори ёки доимий комиссия қарори бажарилмаган тақдирда маҳаллий Кенгаш сессиясида ижро учун масъул бўлган мутасадди идора, ташкилот ёки муассаса раҳбарининг ҳисоботини эшитиш бўйича маҳаллий Кенгаш раисига “билдирги” киритилади.

1.5. МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНИ РАҲБАРНИНГ ҲИСБОТИ (АХБОРОТИ) ЭШИТУВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА КЎМАКЛАШИШ

Маҳаллий Кенгашнинг асосий ваколатларидан бири – бу маҳаллий давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги фаолияти юзасидан ҳисоботини эшитишдан иборат.

Котибият маҳаллий давлат бошқаруви органи раҳбарининг ҳисоботи ёки ахбороти эшитувини ташкил қилишда, биринчи навбатда, маҳаллий Кенгаш иш режасида белгиланган муддат ҳақида ушбу раҳбарга маълумот юборади.

Котибият маҳаллий давлат бошқаруви органи раҳбарининг ҳисоботи (ахбороти)га доир материални эшитувга ўн кун қолгунга қадар маҳаллий Кенгашга тақдим этиши мақсадга мувофиқ.

Тақдим этилган ҳисобот (ахборот) Котибият томонидан маҳаллий Кенгашнинг тегишли доимий комиссиясига берилади.

Эшитув бўйича маҳаллий Кенгаш сессиясини ўтказишга пухта тайёргарлик кўриш лозим. Масалан, ҳокимнинг йил якунлари бўйича ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар ҳамда келгуси йил учун режалар ҳақидаги ҳисоботи юзасидан сессияни ташкил этишда қуйидагиларга эътибор қаратиш тавсия этилади:

1. Сессия иштирокчилари рўйхати шакллантирилади (*депутатлар, маҳаллий давлат бошқаруви органлари раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, блогерлар ва бошқалар*) ҳамда уларга хабарнома юборилади.

2. Сессия жонли мулоқот тарзида ўтказилиши учун маҳаллий Кенгаш доимий комиссиялари аъзолари ўз йўналишлари бўйича савол-жавоб ва муҳокамаларга пухта тайёргарлик кўришлари мақсадга мувофиқ.

Маҳаллий
Кенгашнинг асосий
ваколатларидан
бири – бу маҳаллий
давлат бошқаруви
органлари
раҳбарларининг
ҳудудни ижтимоий-
иқтисодий
ривожлантириш
борасидаги
фаолияти юзасидан
ҳисоботини
эшитишдан иборат

3. Сессияни олиб бориш тартиби, кун тартиби ва регламенти лойиҳалари ишлаб чиқилади.

4. Сессия ўтказиладиган зал расмий тарзда тайёрланади.

5. Сессияда иштирокчиларнинг залдаги жойлашуви белгилаб олинади, бунда депутатлар олдинги қаторга жойлаштирилади, ундан кейин маҳаллий давлат бошқаруви органлари раҳбарлари ва жамоат ташкилотлари вакиллари ўрин олади, орқада оммавий ахборот воситалари вакиллари ва блогерларнинг жойлашиши кўзда тутилади.

6. Сессияга фаол депутатлардан бири раислик қилади.

7. Раислик қилувчи олиб бориш тартиби асосида сессия ишини ташкил этади. Аввало, фақат депутатлар орасидан президиум аъзолари (3-5 нафар) сайлаб олинади ҳамда президиумга таклиф этилади.

8. Сессия ишини баёнлаштириб бориш мақсадида фақат депутатлар орасидан котибият (1-2 нафар) сайлаб олинади.

9. Сессия кун тартиби ва иш регламенти овозга қўйилиб, тасдиқлаб олинади.

10. Ҳокимнинг ҳисоботи эшитилади.

11. Ҳисобот якунлангандан кейин муҳокамалар бошланади, унда фақат депутатлар иштирок этиши лозим.

Қолган иштирокчилар, хусусан, оммавий ахборот воситалари вакиллари, блогерлар ваколат нуқтаи-назаридан кузатувчи сифатида иштирок этаётганлиги боис муҳокамаларда иштирок этмайди, шу билан бирга овоз бериш жараёнида қатнашмайди.

12. Муҳокамаларда депутатлар томонидан кўтариладиган саволларга маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари қисқа ва аниқ жавоб беришлари мақсадга мувофиқ.

13. Сессия якунида муҳокамалардан келиб чиққан ҳолда, қарор лойиҳаси овозга қўйилади ҳамда тасдиқланади.

14. Сессия жараёни маҳаллий оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали онлайн тарзда ёритилади.

15. Ҳисобот матни расмий веб-сайтга жойлаштирилади.

Маҳаллий Кенгаш томонидан ёрдамга муҳтож хотин-қизларни "Аёллар дафтари"га киритиш ҳамда уларнинг муаммоларини ҳал этиш бўйича "Йўл харитаси" ижроси устидан назоратни таъминлаш борасидаги масалани кўриб чиқамиз. Бунда қуйидагиларга эътибор қаратиш тавсия этилади:



“Аёллар дафтари”га киритиладиган ва ундан чиқариладиган хотин-қизлар рўйхати маҳаллий Кенгаш қарори билан тасдиқланади

I. “Аёллар дафтари”га киритиш учун тақдим этилган рўйхатдаги хотин-қизларнинг адолатли тарздатанланганлигини ўрганиш

“Аёллар дафтари”га киритиладиган ва ундан чиқариладиган хотин-қизлар рўйхати маҳаллий Кенгаш қарори билан тасдиқланади.

Маълумки, маҳаллий Кенгаш қарори билан тасдиқлаб бериш мақсадида ҳар бир сектор раҳбари томонидан “Аёллар дафтари”га киритиш учун маҳаллалар кесимида ёрдамга муҳтож хотин-қизлар рўйхати тақдим этилади.

Ушбу рўйхатлар асосида ҳудуддан сайланган депутатлар, зарур ҳолда, маҳалла раислари иштирокида ҳар бир хотин-қизнинг рўйхатга тўғри киритилганлигини аниқлаши лозим, тўла ишонч ҳосил қилинмаган ҳолларда ушбу оиланинг ҳақиқий аҳволини жойига чиқиб ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Рўйхатга нотўғри киритилган аёлларни рўйхатдан чиқариш бу борада депутат назорати йўлга қўйилганлигини кўрсатиш билан бир қаторда, бошқа фуқароларда турли шубҳа-гумонлар туғилишининг олдини олишга, демакки, аҳолининг депутатга нисбатан ишончи янада ортишига хизмат қилади.

Шу боис рўйхатдаги хотин-қизларни ўрганишда уларнинг 30 ёшдан ошган бўлишига ҳамда қуйидаги тоифалардан бирига киришига эътибор қаратиш зарур:

- **ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз аёллар** (*бандлиги таъминланмаган, ишлаш истагида бўлган, даромад манбаига эга бўлмаган, шу жумладан меҳнат қилиш қобилиятини қисман йўқотган, бироқ ишлаш иштиёқи бўлган аёллар*);
- **боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд аёллар** (*боқувчиси бўлмаган, қўшимча моддий ёрдамга муҳтож аёллар*);
- **ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган аёллар** (*меҳнатга қобилиятсиз, ўзгалар парваришига муҳтож аёллар*);
- **уй-жойини таъмирлашга муҳтож I гуруҳ ногиронлиги бўлган аёллар** (*меҳнат қилиш қобилиятини бутунлай йўқотган, ёлғиз яшайдиган, уй-жойини таъмирлаш имконияти бўлмаган аёллар*);
- **нотурар жойларда истиқомат қилаётган, ўзининг ёки биргаликда яшовчи оила аъзоларининг номида турар-жой мавжуд бўлмаган аёллар** (*маъмурий бинолар, ертўлалар ва истиқомат қилиш мақсадларига мўлжалланмаган бошқа*



“Аёллар дафтари”га киритиладиган хотин-қизларнинг муаммоларини бартараф этиш бўйича “Йўл харитаси” маҳаллий Кенгаш қарори билан тасдиқланади ва унинг бажарилиши бўйича депутатлик назорати ўрнатилади

биноларда якка тарзда ёки оила аъзолари билан биргаликда яшаётган, шунингдек доимий турар-жойи бўлмаган ҳолда уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож аёллар);

- **қарамоғида бир ва ундан ортиқ I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган болалари мавжуд ёлғиз аёллар;**
- **тиббий ҳимояга муҳтож эҳтиёжманд аёллар** (*ўзи ва биргаликда яшовчи оила аъзолари оғир ижтимоий вазиятда бўлган, сурункали ёки оғир ногиронликка олиб келувчи касалликка чалинган, ногиронлик гуруҳи белгиланмаган, етарли даромад манбаига эга бўлмаган аёллар);*
- **ҳуқуқий ёрдам олишга муҳтож аёллар** (*ҳуқуқий маслаҳат олиш истагида бўлган, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида мурожаат қилган аёллар);*
- **психологик маслаҳатга муҳтож аёллар** (*тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган, ижтимоий муаммолари мавжуд аёллар).*

II. “Аёллар дафтари”га киритиладиган хотин-қизлар рўйхати ва уларнинг муаммоларини бартараф этиш бўйича “Йўл харитаси”ни тасдиқлаш

“Аёллар дафтари”га киритиладиган хотин-қизларнинг муаммоларини бартараф этиш бўйича “Йўл харитаси” маҳаллий Кенгаш қарори билан тасдиқланади ва унинг бажарилиши бўйича депутатлик назорати ўрнатилади.

Маҳаллий Кенгашнинг “Аёллар дафтари”га киритиладиган хотин-қизлар рўйхати ва уларнинг муаммоларини бартараф этиш бўйича “Йўл харитаси”ни тасдиқлаш масаласига доир сессияси бошқа сессиялар каби “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 17-моддасига риоя этилган ҳолда ташкил этилиши зарур.

Сессияда “Аёллар дафтари”га киритиладиган хотин-қизлар рўйхати ва “Йўл харитаси” бўйича сектор раҳбарлари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими раҳбарининг ҳисоботи муҳокама қилингандан кейин маҳаллий Кенгаш қарори билан тасдиқланади ҳамда ижрога йўналтирилади.

Маҳаллий Кенгаш қарори билан тасдиқланган рўйхат бўйича ҳар бир депутат ўзи сайланган ҳудудда яшовчи ёрдамга муҳтож хотин-қизларнинг муаммолари ҳал этилиши устидан депутатлик назоратини олиб боради.



iston Respublikasi
Y MAJLISI
ATI



Шунингдек, маҳаллий Кенгаш томонидан қабул қилинган қарор иловалари билан биргаликда жамоатчилик назорати учун расмий веб-сайтда эълон қилиниши мақсадга мувофиқ.

III. “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни мазкур рўйхатдан чиқариш

Секторлар раҳбарлари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими раҳбари “Аёллар дафтари”дан чиқариш юзасидан таклифларни маҳаллий Кенгаш муҳокамасига киритади.

Депутатлар томонидан рўйхатдан чиқариш учун киритилган хотин-қизларнинг оилавий шароити албатта ўрганилиши зарур. Бунда, ушбу аёл билан бевосита мулоқот олиб бориш ёки жойига чиқиб ўрганиш лозим.

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар уларнинг мавжуд муаммолари ёки муаммоли масалалари тўлиқ ҳал этилгандан кейингина маҳаллий Кенгаш қарори билан рўйхатдан чиқарилиши керак.

Агар тасдиқланган “Йўл харитаси” доирасида белгиланган тадбирлар амалга оширилмаган бўлса, яъни рўйхатдаги хотин-қизларнинг муаммолари тўлиқ ҳал этилмаган бўлса, ушбу аёлларни рўйхатдан чиқармаслик лозим.

Бу борадаги барча масъулият депутатларнинг зиммасида ҳисобланади.

IV. “Аёллар дафтари” бўйича мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботларини эшитиб бориш

Ҳар чорак якунида “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг муаммоларини бартараф этишга қаратилган “Йўл харитаси” ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича сектор раҳбарлари ҳамда маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими раҳбарининг ҳисоботлари эшитилади.

Шу боис, сессиядан олдин ушбу раҳбарларнинг ҳисоботлари лойиҳалари олиниб, депутатлар иштирокида муҳокама қилиниши, “Аёллар дафтари” бўйича рўйхатдан чиқариш ёки рўйхатга янгидан киритиш тавсия этилаётган хотин-қизларнинг оилавий шароити ўрганилиши мақсадга мувофиқ.

Сессияда мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботлари эшитилганда “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш учун маблағлар ажратилиши ҳамда уларнинг манзилли сарфланиши масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Сессия якуни бўйича тегишли қарор қабул қилиниши ва унда мутасаддиларнинг фаолиятига ҳаққоний баҳо берилиши лозим.

1.6. МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ СЕССИЯСИ КУН ТАРТИБИ ЛОЙИҲАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, ЎТКАЗИЛАДИГАН ТАДБИР РЕЖАСИНИ ТАЙЁРЛАШ

Котибият маҳаллий Кенгаш иш режасини тайёрлашда унинг ваколати доирасига кирувчи энг долзарб ва аҳолини ўйлантираётган масалалар, давлат ва ҳудудий дастурларнинг ижросини ўрганиш тадбирлари киритилишига алоҳида эътибор қаратиши мақсадга мувофиқ.

Маҳаллий Кенгаш сессиясини чақириш тўғрисидаги қарордан депутатлар сессия очилишидан камида етти кун олдин хабардор қилинади.

Сессия кун тартиби маҳаллий Кенгаш иш режасига асосан шакллантирилади. Шунингдек, сессия кун тартиби маҳаллий Кенгаш раиси, доимий комиссиялар, партия гуруҳлари ва депутатлар томонидан билдирилган таклифларни инобатга олган ҳолда тайёрланади.

Сессия муҳокамасига киритилаётган энг муҳим ва долзарб аҳамиятга эга масалаларни тайёрлаш учун маҳаллий Кенгаш раиси томонидан тегишли тармоқлар мутахассислари ҳамда экспертларни жалб этган ҳолда ишчи гуруҳ ташкил этилиши мумкин.

Ишчи гуруҳ масалани тайёрлаш вақтида сайловчилар, маҳаллий ҳокимликнинг таркибий бўлинмалари, давлат ва жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг фикр-мулоҳазаларини инобатга олади.

Сессия муҳокамасига киритилаётган масала дастлабки тарзда тегишли доимий комиссия томонидан кўриб чиқилади, у томонидан тайёрланган қарор лойиҳаси ва кун тартиби бўйича бошқа ҳужжатлар Котибият мудирини ёки доимий комиссия раиси томонидан ёхуд биргаликда маҳаллий Кенгаш раисига тақдим этилади.

Сессияда кўриб чиқилиши керак бўлган масалалар кун тартиби лойиҳасига уларни кўриб чиқиш навбати, ҳар бир масалани тайёрлашга масъул бўлган доимий комиссия, маърузачи (қўшимча

Маҳаллий
Кенгаш
сессиясини
чақириш
тўғрисидаги
қарордан
депутатлар
сессия
очилишидан
камида етти кун
олдин хабардор
қилинади

Сессия муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда қараб чиқиш ва тайёрлаш масаласи дастлабки тарзда доимий комиссиялар томонидан амалга оширилади

маърузачи), шунингдек бошқа маълумотлар киритилган ҳолда тузилади.

Маҳаллий Кенгаш раисига киритилаётган ҳужжатлар Котибиятнинг юридик маълумотга эга бўлган бош мутахассиси ёки маҳаллий ҳокимлик юрисконсулти томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади.

Маҳаллий Кенгаш раисига киритилаётган ҳужжатлар тегишли доимий комиссия раиси ҳамда Котибият мудирининг томонидан имзолангандан кейингина тақдим этилади.

1.7. МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШГА КЕЛИБ ТУШГАН ҲУЖЖАТЛАР АСОСИДА АХБОРОТ, ТАҲЛИЛИЙ ВА БОШҚА МАТЕРИАЛЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

Сессия муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда қараб чиқиш ва тайёрлаш масаласи аввало доимий комиссиялар томонидан амалга оширилади.

Маҳаллий Кенгашга фаолиятга доир ва ваколатига кирувчи масалалар юзасидан турли ҳужжатлар келиб тушади. Ушбу ҳужжатлар ижросини ташкил қилиш учун ўз навбатида ҳудудга оид, соҳаларга доир, маҳаллий Кенгаш фаолиятига ёхуд қонунчиликка тегишли ахборот, таҳлилий ва бошқа материаллар тайёрлаш зарурати туғилади.

Шу мақсадда Котибият келиб тушган ҳужжатга оид материалларни тегишли идора ва ташкилотлардан сўраб олади.

Оммавий ахборот воситаларида ёритилган ва ҳал этилиши зарур бўлган долзарб аҳамиятга эга масалалар юзасидан маҳаллий ҳокимлик таркибий бўлинмасидан асослантирилган маълумотлар тақдим этиш сўралади.

Қонунбузилиш ёки жиноятчилик ҳолати ёхуд ҳудудга тааллуқли экологик, санитария талаблари бузилишига оид ҳужжат келиб тушганда унда келтирилган ҳолатнинг келиб чиқиш сабаблари, амалдаги қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қоидалар ҳақида маълумот тайёрланади.

Маълумотда масаланинг моҳияти батафсил очиб берилиши, келтирилган фактлар ишончли бўлиши, йўл қўйилган камчиликлар, мавжуд муаммолар аниқ кўрсатилиши, шунингдек ҳолатни яхшилаш бўйича таклифлар ўрин олиши мақсадга мувофиқ.



Маҳаллий
Кенгаш депутати
ўз округи
сайловчилари
билан алоқа
боғлаб туради,
сайловчилардан
тушган
муурожаатларни
қонун
ҳужжатларида
белгиланган
тартибда кўриб
чиқади. Кенгаш
котибияти
депутатга мазкур
ишларни амалга
оширишда
ташкилий
томондан
кўмаклашади

1.8. МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДЕПУТАТИ ТОМОНИДАН ФУҚАРОЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, МУРОЖААТЛАРНИНГ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ВА ИЖРОСИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Депутат ўз округи сайловчилари билан алоқа боғлаб туради, сайловчилардан тушган муурожаатларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқади. Котибият депутатга мазкур ишларни амалга оширишда ташкилий томондан кўмаклашади.

Депутат томондан жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги қонун талаблари асосида амалга оширилади.

Маҳаллий Кенгашга келиб тушган муурожаат Котибият томондан ўша куннинг ўзида, иш вақти тугаганидан кейин келиб тушган тақдирда эса кейинги иш куни рўйхатдан ўтказилади. Муурожаатни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Котибият томондан муурожаатларни рўйхатдан ўтказиш китоби юритилиб, унда муурожаатнинг тартиб рақами ва келиб тушган санаси, муурожаат этувчи жисмоний шахснинг исм-фамилияси, юридик шахснинг номи, муурожаатнинг қисқача мазмуни, ижроси тўғрисидаги белги, шунингдек бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Котибият томондан ҳар бир муурожаат рўйхатга олинади, ижрочиларга юборилади, бажарилиши ҳақидаги маълумотлар умумлаштирилади, белгиланган муддатда ижрочига жавоб хати юборилади ва маълумотлар алоҳида йиғмажилдда сақланади.

Котибият томондан муурожаатлар билан ишлашда электрон ҳужжат айланиш тизимини жорий этиш мумкин.

Оммавий қабуллар вақтида келиб тушган ва жойида ҳал этилган оғзаки муурожаатларни рўйхатдан ўтказиш талаб қилинмайди, бунда муурожаатчи тўғрисидаги маълумотлар, муурожаатнинг қисқача мазмуни, уни кўриб чиқиш натижаси оммавий қабул баённомасида кўрсатилади.

Муурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда бўлиши мумкин. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар муурожаатларнинг турлари ҳисобланади. Муурожаатлар шакли ва туридан қатъий назар бир хил аҳамиятга эга бўлади.



Маҳаллий Кенгаш депутати томонидан жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари учун сайёр қабул, шунингдек оммавий қабул ташкил этилиши мумкин.

Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш учун Котибият томонидан қабул қилиш жадвали тайёрланади, унда қабул вақти ва жойи аниқ кўрсатилади, жадвал маҳаллий Кенгаш раиси томонидан тасдиқланади.

Қабул қилиш жадвали расмий веб-сайтда эълон қилиниши, шунингдек маъмурий бинога, ҳамма кўриши мумкин бўлган жойлардаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштирилиши мумкин.

Жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари учун сайёр қабул, шунингдек оммавий қабул тасдиқланган жадвалдан ташқари ўтказилиши ҳам мумкин. Оммавий қабул хонадонларга бирма-бир кириб чиқиш орқали ҳам ўтказилиши мумкин.

Агар қабул давомида баён этилган масалани ҳал этиш имконияти мавжуд бўлмаса ёки мурожаат этувчи амалдаги қонунчиликка тўғри келмайдиган талаб қўяётган бўлса депутат унга бу ҳақда тўғри тушунтириш бериши мақсадга мувофиқ.

Қабул давомида депутат қарорига кўра ва мурожаат этувчига бу ҳақда хабар берган ҳолда махсус техника воситаси (аудио, видео, фото) қўлланилиши мумкин.

Жисмоний шахс оғзаки мурожаат этаётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, юридик шахснинг вакили эса ўз ваколатларини тасдиқлайдиган ва ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши керак, оммавий қабул вақтида келиб тушган мурожаатлар бундан мустасно.

Маълумот учун:

- **ариза** – ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат;
- **таклиф** – давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат;
- **шикоят** – бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат;
- **электрон мурожаат** – белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида берилган, шу жумладан давлат органининг, ташкилотнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилган мурожаат, реал вақт



Депутат ҳудуддаги давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органининг мансабдор шахсига унинг ваколатига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан депутат сўрови юборишга ҳақли

режимда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда берилган оғзаки мурожаатлар бундан мустасно;

- **такрорий мурожаат** – айна бир жисмоний ёки юридик шахсдан келиб тушган, унинг аввалги мурожаати юзасидан қабул қилинган қарор устидан шикоят қилинаётган ёки бошқача тарзда норозилик билдирилаётган, шунингдек агар такрорий мурожаат келиб тушган пайтга келиб қонун ҳужжатларида белгиланган кўриб чиқиш муддати тугаган бўлса, илгариги мурожаати ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги тўғрисида хабар қилинаётган мурожаат;
- **аноним мурожаат** – жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлгон маълумотлар кўрсатилган мурожаат, шунингдек уни идентификация қилиш имкониятини бермайдиган электрон мурожаат ёхуд имзо билан тасдиқланмаган ёзма мурожаат;
- **муурожаатнинг дубликати** – айна бир жисмоний ёки юридик шахс муурожаатининг кўчирма нусхаси;
- **оммавий қабул** – давлат органи раҳбарининг ёки бу борада ваколат берилган мансабдор шахснинг жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари билан оммавий учрашувда муурожаатларни қабул қилишга доир ҳаракати.

1.9. МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДЕПУТАТИ ТОМОНИ- ДАН ЮБОРИЛГАН ДЕПУТАТ СЎРОВИ ВА УНИНГ НАТИЖАСИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИБ БОРИШ

Депутат ҳудуддаги давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органининг мансабдор шахсига унинг ваколатига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан депутат сўрови юборишга ҳақли.

Котибият томонидан депутатлар учун махсус “депутат сўрови” бланкаси тайёрланади ва депутатларга зарур миқдорда етказиб берилади. Бланкда маҳаллий Кенгаш номи, манзили, телефон рақами кўрсатилади.

Депутат сўрови самарадорлигини ошириш ҳамда ижросини назорат қилиб бориш мақсадида ҳар бир депутат сўрови Котибият томонидан рўйхатга олинади ҳамда расмийлаштирилади.

Шу боис Котибиятда депутат сўровини қайд этиш китоби юритилади, унда сўров юборган депутатнинг исм-фамилияси, сўров юборилган идора ёки ташкилот номи, сўровнинг қисқача мазмуни



Маҳаллий Кенгаш
раисининг
топшириқлари
ижроси устидан
назорат тегишли
доимий комиссия
томонидан амалга
оширилади,
Котибият
томонидан
мувофиқлаштириб
борилади

ва ижро муддати кўрсатилади. Ушбу дафтарнинг электрон тарзда юритилиши ишни енгиллаштириш билан бирга, унинг ижросини мониторинг қилиш ва таҳлил этиш учун қулайлик яратади.

Айрим ҳолларда бир масала юзасидан турли ҳудуддан сайланган депутатлар томонидан битта сўров тайёрланиши ва тегишли идора ёки ташкилотга юборилиши ҳам мумкин.

Агарда депутат сўрови онлайн тарзда расмийлаштирилса, яъни депутат ўзи яшайдиган ҳудуддан туриб депутат сўровини юбораётган бўлса ва телефон орқали расмийлаштирилса, унинг нусхаси Котибиятга интернет орқали юборилади.

Депутат сўровининг бир нусхаси маҳаллий Кенгашнинг депутат аъзоси бўлган доимий комиссияси раҳбарига маълумот учун тақдим этилади.

Котибиятнинг масъул ходими депутат сўрови ижросини назорат қилиб боради, жавоб хатлари депутатга етказилишини таъминлайди, тегишли ташкилотдан ижросини сўраб олади ва мониторингини амалга оширади.

Депутат сўровига давлат ҳокимияти ва бошқаруви органининг мансабдор шахси мазкур сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай жавоб бериши шарт.

Агар ҳудуддаги идора, ташкилот, муассаса раҳбари депутат сўровини кўриб чиқмасдан қолдирса ёки уни кўриб чиқиш муддатини узрли сабабсиз бузса ёхуд у юзасидан била туриб нотўғри маълумотни қасддан тақдим этса ушбу мансабдор шахсни судга бериш мумкин.

1.10. МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ РАИСИНИНГ ТОПШИРИҚЛАРИ ИЖРОСИ УСТИДАН НАЗОРАТ ОЛИБ БОРИШ

Маҳаллий Кенгаш раисининг топшириқлари ижроси устидан назорат тегишли доимий комиссия томонидан амалга оширилади, Котибият томонидан мувофиқлаштириб борилади.

Маҳаллий Кенгаш фаолиятида ҳужжатлар билан ишлаш муҳим аҳамиятга эга. Маҳаллий Кенгаш раиси, доимий комиссия раиси, Котибият мудирини томонидан ўз ваколати доирасида турли идора, ташкилот ва муассасаларга алоқа хатлари юборилади.



Маҳаллий Кенгаш сессиялари (ёпиқ сессиялар бундан мустасно) оммавий ахборот воситалари, интернет тармоғи орқали жонли эфирга узатилиши мақсадга мувофиқ

Маҳаллий Кенгаш томонидан юбориладиган хатлар учун махсус бланк тайёрланади, юборилаётган хатларни расмийлаштириш китоби юритилади, унда хатнинг рақами, имзоланган санаси, мансабдор шахснинг исм-фамилияси ва лавозими, қисқача мазмуни, назорати кимга юклатилганлиги қайд этилади.

Шунингдек, маҳаллий Кенгаш раиси иш режа ижросини ташкил этиш, доимий комиссиялар фаолиятига кўмаклашиш, депутатлар фаоллигини ошириш мақсадида Котибият ходимларига топшириқлар бериши мумкин.

Маҳаллий Кенгаш раисининг ҳар бир топшириғи шу куннинг ўзида ижрочига етказилади ва ижроси назоратга олинади. Топшириқ ижроси юклатилган Котибият мудирини, масъул ходим, доимий комиссия раиси ёки депутат томонидан унинг қай даражада бажарилганлиги ҳақида маҳаллий Кенгаш раисига ахборот берилади ва топшириқ тўла бажарилгандан кейин назоратдан олинади.

1.11. МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ФАОЛИЯТИГА ОИД ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА ХАБАРЛАР ТАЙЁРЛАНИШINI ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА ЁРИТИЛИШINI ТАШКИЛ ЭТИШ

Маҳаллий Кенгаш сессиялари (ёпиқ сессиялар бундан мустасно) оммавий ахборот воситалари, интернет тармоғи орқали жонли эфирга узатилади.

Маҳаллий Кенгаш томонидан ўтказиладиган ҳар бир тадбирдан олдин Котибият томонидан пресс-релиз тайёрланади, пресс-релизда тадбир билан боғлиқ барча масалалар мазмун-моҳияти батафсил очиқ берилиши лозим.

Масалан, маҳаллий Кенгаш сессияси бўйича пресс-релизда ушбу сессияни чақириш бўйича қарордан тортиб, кун тартиби, ҳар бир масаланинг долзарблиги, мазмуни, ҳисобот (ахборот) берувчилар тўғрисида аниқ фактлар акс эттирилиши мақсадга мувофиқ.

Тадбир ўтказилган куннинг ўзида бу ҳақдаги маълумот, сессия ўтказилганда эса қабул қилинган қарор тасдиқлангандан кейин расмий веб-сайтга жойлаштирилиши лозим.



Маҳаллий
Кенгашнинг
норматив-
ҳуқуқий тусдаги
қарори лойиҳаси
тегишли адлия
органи томонидан
ҳуқуқий
экспертизадан
ўтказилиши шарт

1.12. МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДОИМИЙ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ МУҲОКАМАСИГА КИРИТИЛАДИГАН МАСАЛА ЮЗАСИДАН МАТЕРИАЛЛАР ТАЙЁРЛАНИШИГА КЎМАКЛАШИШ

Котибият маҳаллий Кенгаш доимий комиссияси фаолиятига асосан икки йўналишда кўмаклашиб боради:

- биринчи йўналиш – сессия муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлаш;
- иккинчи йўналиш – қонунлар, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, давлат ва ҳудудий дастурлар, маҳаллий Кенгаш қарорларини тарғиб этиш ҳамда бажарилишини назорат қилиш.

Котибият маҳаллий Кенгаш доимий комиссияси раиси сўровига асосан доимий комиссия мажлисини чақириш тўғрисидаги ҳужжатларни тайёрлашга кўмаклашади, депутатлар ва таклиф этилганларни чақиради, материалларни умумлаштиради, қарор лойиҳасини тайёрлайди ва чоп этади, доимий комиссия иш режаси ижросини назорат қилиш, топшириқларни етказишда кўмаклашади.

1.13. МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ, УНИНГ ДОИМИЙ КОМИССИЯСИ ҚАРОРИ ЛОЙИҲАСИНИНГ ҚОНУНЛАРГА, ЮРИДИК ТЕХНИКА ТАЛАБЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

Маҳаллий Кенгашнинг норматив-ҳуқуқий тусдаги қарори лойиҳаси тегишли адлия органи томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шарт.

Котибият ходимлари ва депутатлар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норма ижодкорлиги соҳасидаги умумий тушунчалар ҳақида етарли билимга эга бўлиши талаб этилади.

Маҳаллий Кенгашнинг норматив-ҳуқуқий тусдаги қарори лойиҳаси тегишли доимий комиссия, Котибият, маҳаллий Кенгаш ташкил этган ишчи гуруҳ томонидан тайёрланиши ёки маҳаллий



ижро ҳоқимияти органлари томонидан тайёрланиб, маҳаллий Кенгашга киритилиши мумкин.

Ишчи гуруҳ таркибига доимий комиссия аъзолари, тегишли идора ва ташкилотлар мутахассислари, илмий муассасалар вакиллари, соҳа бўйича экспертлар киритилиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий тусдаги ҳужжат лойиҳасининг матни лўнда, оддий ва равон тилда баён этилади. Лойиҳада фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар турлича изоҳлаш имкониятини истисно этадиган, уларнинг қонун ҳужжатларида қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона шаклда қўлланилади.

Котибият ходимлари бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 июндаги “Маҳаллий давлат ҳоқимияти органлари фаолиятига “E-qaror” электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 390-сон қарори билан яқиндан танишиши ҳамда унда белгиланган талаблар асосида ишни ташкил этиши зарур.

Мазкур қарор билан 2021 йил 1 июлдан бошлаб барча маҳаллий давлат ҳоқимияти органларининг қарорлари ва фармойишлари, шу жумладан, хизмат доирасида фойдаланиш учун мўлжалланган қарорлари ва фармойишларини ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш (чиқариш), рўйхатга олиш ва эълон қилиш “E-qaror” электрон тизими орқали амалга оширилади.

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, “E-qaror” электрон тизимини четлаб ўтган ҳолда маҳаллий давлат ҳоқимияти органларининг тегишли қарорлари ва фармойишларини қабул қилиш (чиқариш) га йўл қўйилмайди. Қарорда бундай ҳужжатлар юридик кучга эга эмаслиги ҳамда у қабул қилинган пайтдан эътиборан ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармаслиги алоҳида қайд этилган.

Шу боис кейинчалик турли зиддиятли ҳолат келиб чиқмаслиги учун маҳаллий Кенгаш қарори лойиҳасини “E-qaror” электрон тизими орқали ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Маълумот учун:

- **маҳаллий Кенгашнинг норматив-ҳуқуқий тусдаги қарори** – маҳаллий Кенгаш томонидан қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат;

- **ҳуқуқий экспертиза** – лойиҳанинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, унга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги, шунингдек ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослиги ҳамда мақсадга мувофиқлигини текшириш;
- **қонунчилик техникаси** – қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш ва расмийлаштириш жараёнида қўлланиладиган қоидалар, услублар, воситалар ва усуллар мажмуи.

1.14. МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДОИМИЙ КОМИССИЯСИГА НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ ИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА, ТУРЛИ ТАДБИРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА КЎМАКЛАШИШ

Котибият доимий комиссия томонидан назорат-таҳлил ишларини амалга оширишни ташкил этишда назорат объекти (идора, ташкилот, муассаса каби) раҳбариятини олдиндан хабардор қилиш, ўрганиладиган масала юзасидан дастлабки ахборотларни олиш, ўрганиш вақтини белгилаш ишларини ташкил этади.

Ўрганилаётган масала бўйича маҳаллий ҳокимликнинг тегишли таркибий бўлинмаси билан ҳамкорликда эксперт хизматини ёки маслаҳат йўсинидаги хизматни ташкиллаштиради.

Котибият доимий комиссия томонидан ўтказиладиган тадбир режасини ишлаб чиқади, тадбирни ўтказиш жойи, вақти ва иштирокчилар рўйхати, зарур техник воситаларга эҳтиёж ҳақидаги маълумотларни тайёрлайди.

Оммавий ахборот воситаларини тадбирга таклиф этиш ва уларни зарур маълумотлар билан таъминлаш Котибият томонидан амалга оширилади.

Тадбирларни ташкил этиш жараёнида Котибият ходимлари депутатлар учун замонавий менежмент бўйича имижмейкер сифатида намоён бўлади, шу боис улар ҳар томонлама билимга эга бўлиши, теран фикрлаши, тез қарор қабул қилиши мақсадга мувофиқ.

Маҳаллий
Кенгаш сессияси
материаллари
Котибият
томонидан
депутатларга
олдиндан етказиб
берилади

1.15. МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ СЕССИЯСИ МАТЕРИАЛИ ЛОЙИҲАСИНИНГ ДЕПУТАТГА ЕТКАЗИЛИШINI ТАЪМИНЛАШ

Маҳаллий Кенгаш сессияси материаллари Котибият томонидан депутатларга олдиндан етказиб берилади.

Котибиятнинг маҳаллий Кенгаш сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий фаолияти қуйидагиларни ўз ичига олади:

- сессия муҳокамасига киритиладиган масалаларни аниқлаш;
- сессия ўтказилиши ва унинг кун тартиби ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон бериш;
- депутатни сессия ўтказилиши тўғрисида хабардор қилиш ҳамда унга сессия материали етказилишини таъминлаш;
- депутатларни ва сессияга таклиф этилганларни рўйхатга олиш.

Ташкилий масалаларни ҳал этиш билан бирга, сессия иштирокчилари самарали ишлашлари учун зарур бўлган бошқа шарт-шароитларни яратиб бериш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Маҳаллий Кенгаш сессияси муҳокамасига киритишга мўлжалланган масалаларни олдиндан тайёрлаш ва муҳокама жараёнида иштирок этиш учун имкон қадар кўпроқ депутатларни жалб этиш, кўрилаётган масалага дахлдор идора, ташкилот, муассасалар вакиллари, мутахассислар фикрини ўрганиш мақсадга мувофиқ.

1.16. МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШГА КЕЛИБ ТУШАДИГАН ҲАМДА ТАШКИЛОТ ВА ИДОРАЛАРГА ЮБОРИЛАДИГАН ХАТ-ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ

Маҳаллий Кенгашга келиб тушаётган ҳамда идора ва ташкилотларга юборилаётган ҳужжатлар ҳисоби Котибият томонидан юритилади.

Маҳаллий Кенгашга келиб тушаётган ҳужжатлар учун алоҳида, юборилаётган хат-ҳужжатлар учун алоҳида китоб юритилади.

Ҳар бир келиб тушган хатни расмийлаштириш учун бурчак тамғадан фойдаланилади, тартиб билан рақамланади. Қайд этиш дафтари варақлари рақамланган, тикилган ва муҳр билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Махфий ҳужжатлар белгиланган тартибда тегишли йўриқномалар талаблари асосида юритилади.

Ҳужжатларни рўйхатга олиш, сақлаш ва юбориш билан Котибият шуғулланади. Котибият ходимининг бу борадаги малакасини ошириш учун маҳаллий ҳокимлик девонхонасида амалиёт ўташи ташкил этилиши мумкин.

1.17. МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА ТАҲЛИЛИЙ АХБОРОТ ТАЙЁРЛАШ

Котибият маҳаллий Кенгаш иш режаси асосида фаолият юзасидан ҳар ойлик таҳлилий ахборот тайёрлаб боради.

Таҳлилий ахборотда ўтказилган сессиялар, қабул қилинган қарорлар, қарорларнинг мазмуни ва уларнинг ижросига оид маълумотлар, доимий комиссиялар ва депутатлар фаолияти, депутат сўровларининг натижалари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ижроси, аҳоли билан учрашувларда кўтарилган муаммоли масалаларни ҳал этишга кўмаклашиш борасидаги ишлар ва уларнинг натижалари ҳақидаги маълумотлар акс эттирилиши мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, депутатлар иштирокида ўтказилган семинарлар, давра суҳбатлари ва уларда муҳокама этилган масалалар, оммавий ахборот воситаларида маҳаллий Кенгаш фаолиятининг ёритилиши, янги қонун ҳужжатлари муҳокамаси ҳақидаги маълумотлар берилиши лозим.

Маҳаллий
Кенгашга келиб
тушаётган
ҳамда идора ва
ташкилотларга
юборилаётган
ҳужжатлар
ҳисоби Котибият
томонидан
юритилади

Доимий комиссиялар масалаларни тайёрлаш ва уларни пухта ишлаб чиқиш учун маҳаллий Кенгаш депутатларидан, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, экспертлардан иборат ишчи гуруҳлар тузишга ҳақли

1.18. ДОИМИЙ КОМИССИЯ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА КЎМАКЛАШИШ

Доимий комиссиялар масалаларни тайёрлаш ва уларни пухта ишлаб чиқиш учун маҳаллий Кенгаш депутатларидан, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, экспертлардан иборат ишчи гуруҳлар тузишга ҳақли.


Котибият маҳаллий Кенгаш ҳар бир доимий комиссияси фаолиятининг асосий йўналишидан келиб чиққан ҳолда ҳудуддаги идора, ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорлигини таъминлашга кўмаклашади.

Доимий комиссия ўз йўналиши бўйича аввало маҳаллий ҳокимлик, шунингдек ҳудуддаги идора, ташкилот ва муассасалар билан ишлайди.

Доимий комиссия бирор-бир масала юзасидан ҳар қандай идора ва ташкилот билан ишлаши, улардан зарур маълумотларни олиши, доимий комиссия мажлисида ҳисоботи ёки ахборотини эшитиши мумкин. Шунингдек, бир нечта доимий комиссия ўзаро келишган ҳолда, бирор-бир масалани биргаликда кўриб чиқиши ҳам мумкин



Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш,
инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича
ДОИМИЙ КОМИССИЯ



Суд-ҳуқуқ масалалари ва
коррупцияга қарши курашиш бўйича
ДОИМИЙ КОМИССИЯ

Прокуратура

Ички ишлар бўлими

Адлия бўлими

Судлар

Омбудсман

Халқ қабулхонаси

Коррупцияга қарши
курашиш бўйича
идоралар

Соҳага доир жамоат
ташкилотлари

Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт
ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича
ДОИМИЙ КОМИССИЯ

Мактабгача таълим
бўлими

Халқ таълими
бўлими

Тиббиёт
бирлашмаси

Маҳалла ва оилани
қўллаб-қувватлаш
бўлими

Маданият бўлими

Жисмоний тарбия
ва спорт бўлими

Пенсия жамғармаси

Секторлар

Ёшлар сиёсати, хотин-қизлар ва
гендер тенглик масалалари бўйича
ДОИМИЙ КОМИССИЯ

Ёшлар ишлари
агентлигининг ҳудудий
бўлими

Халқ таълими бўлими

Маҳалла ва оилани
қўллаб-қувватлаш
бўлими

Тиббиёт бирлашмаси

Соҳага доир жамоат
ташкилотлари

Секторлар

Саноат, транспорт, қурилиш,
коммунал соҳа ва аҳолига хизмат
қўрсатиш масалалари бўйича
ДОИМИЙ КОМИССИЯ

Автомобиль йўллари
бўлими

Газ таъминоти
корхонаси

Электр тармоқлари
корхонаси

Уй-жой коммунал
хўжалиги бўлими

“Сувоқова”
корхонаси

Ободонлаштириш
бўлими

Қурилиш
бўлими

Транспорт
уюшмалари

Аграр, сув ҳўжалиги
масалалари ва экология бўйича
ДОИМИЙ КОМИССИЯ

Қишлоқ ҳўжалиги
бўлими

Сув ҳўжалиги
корхоналари

Экология ва атроф
муҳитни муҳофаза қилиш
инспекцияси

Кадастр агентлигининг
ҳудудий бўлими

Ветеринария бўлими

Фермер, деҳқон
ҳўжаликлари ва томорқа
ер эгалари кенгаши

Ўрмон ҳўжалиги

Соҳага доир акциядорлик
жамиятлари



1.19. КОТИБИЯТНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ҚЎМИТАЛАРИ (КОМИССИЯЛАРИ) БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ

Котибият Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қўмиталари (комиссиялари), шунингдек ҳудуддан сайланган сенаторлар билан яқин ҳамкорликда фаолият олиб боради.

Ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ва энг муҳим муаммоларни муҳокама этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қўмиталари (комиссиялари) ҳамда маҳаллий Кенгашнинг қўшма мажлиси ўтказилиши мумкин.

Котибият қўшма мажлисни ўтказиш билан боғлиқ барча ташкилий-техник масалаларни ҳал этади.



1.20. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШИ УЧУН НАМУНАВИЙ

НОМЕНКЛАТУРА

Республика ва маҳаллий давлат бошқаруви органларига доир ҳужжатлар		
1-01	Ўзбекистон Республикаси кодекслари ва қонунлари нусхалари	
1-02	Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари нусхалари	
1-03	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Сенат Кенгаши қарорлари, тавсиялари нусхалари	
1-04	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Қонунчилик палатаси Кенгаши қарорлари, тавсиялари нусхалари	
1-05	Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарор ва фармойишлари нусхалари	
1-06	_____ ҳокими қарор ва фармойишлари нусхалари	
Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши фаолиятига доир ҳужжатлар		
2-01	Халқ депутатлари _____ Кенгаши фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (қонун, регламент, низом, йўриқнома ва бошқа ҳужжатлар)	
2-02	Халқ депутатлари _____ Кенгаши сессияларига доир ҳужжатлар, Кенгаш қарорлари ва уларнинг иловалари, қарорларни рўйхатга олиш китоби	
2-03	Халқ депутатлари _____ Кенгаши иш режаси ва унинг ижросига доир ҳужжатлар	
2-04	Халқ депутатлари _____ Кенгаши раҳбарияти топшириқлари ва уларнинг ижросига доир ҳужжатлар, мазкур ҳужжатларни рўйхатга олиш китоби	
2-05	Депутат сўровига доир ҳужжатлар ва уларни рўйхатга олиш китоби	
2-06	Республика давлат бошқаруви органлари билан ёзишмаларга доир ҳужжатлар ва уларни рўйхатга олиш (кириш ва чиқиш) китоблари	
2-07	Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ёзишмаларга доир ҳужжатлар ва уларни рўйхатга олиш (кириш ва чиқиш) китоблари	

2-08	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига доир ҳужжатлар ва уларни рўйхатга олиш китоби		
2-9	Халқ депутатлари _____ Кенгаши фаолиятига доир ҳар ойлик таҳлилий ахборотлар бўйича ҳужжатлар		
2-10	Хизмат сафарларига оид ҳужжатлар		
2-11	Халқ депутатлари _____ Кенгаши депутатлари тўғрисидаги маълумотлар (вилоят ва Тошкент шаҳрида 60 нафаргача, туман ва шаҳарларда 30 нафаргача)		
Маҳаллий Кенгаш доимий комиссиялари фаолиятига доир ҳужжатлар			
3-01	Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссия фаолиятига доир ҳужжатлар		
3-02	Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссия фаолиятига доир ҳужжатлар		
3-03	Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича доимий комиссия фаолиятига доир ҳужжатлар		
3-04	Ёшлар сиёсати, хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича доимий комиссия фаолиятига доир ҳужжатлар		
3-05	Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал соҳа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссия фаолиятига доир ҳужжатлар		
3-06	Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология бўйича доимий комиссия фаолиятига доир ҳужжатлар		
3-07	Ахборот сиёсати ва маҳаллий давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссия фаолиятига доир ҳужжатлар		
3-08	Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссия фаолиятига доир ҳужжатлар		

Иш ҳужжатларининг намуналари

НАМУНА

Халқ депутатлари _____ Кенгашининг
____-сессиясини чақириш тўғрисида

ХАБАРНОМА

Халқ депутатлари _____ Кенгашининг ____-сессияси ____ йил " ____ " _____ да соат
____ да _____ биносида ўтказилади.

Халқ депутатлари _____ Кенгаши сессиясининг кун тартибига қуйидаги масалалар
кiritилган:

1. _____;
2. _____;
3. _____.

Сиздан Халқ депутатлари _____ Кенгаши сессиясида иштирок этишингизни сўраймиз.

Сессия ишига доир қуйидаги материаллар илова қилинади:

1. _____;
2. _____;
3. _____.

Халқ депутатлари _____ Кенгаши сессиясида иштирок эта олмасликнинг объектив
сабаблари мавжуд бўлганда бу ҳақда _____га (мансабдор шахснинг Ф.И.О., алоқа телефони)
олдндан хабар берилиши ҳамда қатнаша олмасликни тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилиши керак.

Халқ депутатлари _____
Кенгаши раиси _____

имзо

Ф.И.О.

НАМУНА

Халқ депутатлари _____
Кенгашининг ___ йил " __ " _____ даги
_____ -сонли қарорига ___ -илова

Халқ депутатлари _____ Кенгашининг
_____ йилга мўлжалланган

ИШ РЕЖАСИ

№	Чора-тадбир номи	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
1.			
2.			
3.			
4.			
5.			
...			

Халқ депутатлари _____ Кенгашининг _____ йил
"_____" _____ даги _____ -сессиясида депутатларни

РЎЙХАТГА ОЛИШ

№	Ф.И.О.	Сайлов округи номи ва рақами	Асосий иш жойи ва лавозими	Имзо
_____ масалалари бўйича доимий комиссия				
_____ масалалари бўйича доимий комиссия				
_____ масалалари бўйича доимий комиссия				
_____ масалалари бўйича доимий комиссия				
...				

НАМУНА

Халқ депутатлари _____
Кенгашининг _____ йил
“ ____ ” _____ даги _____-сессиясига таклиф этилганларни

РЎЙХАТГА ОЛИШ

№	Ф.И.О.	Иш жойи ва лавозими	+/-
...			



(Халқ депутатлари Кенгаши номи)

ҚАРОРИ

____ йил " ____ " _____

65/10-6-сон

(қарор номи)

Юқорида баён этилганларга асосан ҳамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ, Халқ депутатлари _____ Кенгаши қарор қилади:

1. _____

2. _____

3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари _____ Кенгашининг _____ масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

4. Ушбу қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

**Халқ депутатлари
Кенгаши раиси**

имзо

Ф.И.О.

Изоҳ: 65/10-6, бунда 65 – қарор рақами, 10 – сессия тартиб рақами,
6 – сессия чақирғи тартиб рақами



_____)
(Халқ депутатлари Кенгаши номи)

Халқ депутатлари _____ Кенгашининг _____-сессияси

БАЁННОМАСИ

_____ йил "___" _____

_____ шаҳри
(шаҳарчаси)

Жами депутатлар – _____
Сессияда иштирок этган депутатлар – _____
Сессияга таклиф этилган иштирокчилар – _____
Сессияда раислик қилувчи – _____
Сессия котиби – _____

КУН ТАРТИБИ:

1. _____ ;
2. _____ ;

Сессия регламенти:

1. Тингланди _____
(масала номи)
(Ф.И.О.) _____
(лавозими ва сайлов округи рақами)
(Маъруза илова қилинади)

Сўзга чиқдилар:

(Ф.И.О.) _____
(лавозими ва сайлов округи рақами)

(чиқишнинг қисқача мазмуни)

Қарор қилинди: Қарор лойиҳаси билдирилган таклифлар, қўшимча ва эътирозлар ҳисобга олинган ҳолда, қабул қилинди (илова қилинади)
(овоз бердилар: ёқлаб ____, қаршилар ____, бетарафлар ____)
2. _____

Раислик қилувчи

_____)
ИМЗО

_____)
Ф.И.О.

Сессия котиби

_____)
ИМЗО

_____)
Ф.И.О.

II ҚИСМ

МАҲАЛЛИЙ

КЕНГАШ

ДЕПУТАТИНИНГ

ДЕПУТАТ СЎРОВИ

БИЛАН ИШЛАШ

МАСАЛАЛАРИ

ДЕПУТАТ КИМ?

Депутат – тегишли халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашига сайланган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига мувофиқ тегишинча вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси фуқаросидир.

Депутат маҳаллий Кенгаш таркибига сайланиши билан давлат ҳокимиятининг коллегиял вакиллик органи аъзосига айланади, шу боис депутат нафақат ўз сайловчиларининг, балки тегишли ҳудудда яшовчи барча фуқароларнинг вакили ҳисобланади, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этади, ҳимоя қилади ва қўллаб-қувватлайди.

ДЕПУТАТ СЎРОВИ НИМА?

Депутат сўрови – бу депутат томонидан тегишли ҳудудда жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан юборилган сўровдир.

Депутат сўрови билан мурожаат қилиш – депутатнинг энг муҳим ҳуқуқларидан бири ҳисобланади, қолаверса, ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан назорат олиб боришнинг шаклларида биридир.

МАНСАБДОР ШАХС КИМ?

Мансабдор шахс – доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинладиган ёки сайладиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс.

ДЕПУТАТ СЎРОВИНИ ҲУДУДДАГИ ҲАР ҚАНДАЙ МАНСАБДОР ШАХСГА ЮБОРИШ МУМКИНМИ?

Албатта, депутат сўровини тегишли ҳудудда жойлашган ҳар қандай давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига юбориш мумкин.

Бугунги кунда ҳоким бир вақтнинг ўзида маҳаллий Кенгаш раиси ҳам ҳисобланади, шу боис ҳокимга унинг ҳоким сифатида ваколатига кирадиган масалалар юзасидан депутат сўровини юбориш мумкин.

Маҳаллий Кенгаш раиси мансабдор шахс, аммо унга депутат сўровини юбориш мантиқсизлик ҳисобланади, чунки депутат ва маҳаллий Кенгаш раиси битта Кенгашнинг аъзолари ҳисобланади. Агар қайсидир масалада тушунтириш бериш зарурати туғилса уни депутат сўрови сифатида юбориш шарт эмас, балки депутат сессияда Кенгаш раисидан тушунтириш беришни сўраши мумкин.

ДЕПУТАТ СЎРОВИ ФАҚАТ ҲУДУДДАГИ МАНСАБДОР ШАХСГА ЮБОРИЛСА, РЕСПУБЛИКА ДАРАЖАСИДАГИ МАСАЛАЛАРНИ ҚАЙ ТАРЗДА КЎТАРИБ ЧИҚИШ МУМКИН?

Агар маҳаллий Кенгаш депутатида умумдавлат ёки республика аҳамиятига молик масала бўйича депутат сўровини юбориш зарурати туғилган тақдирда, у тегишли ҳудуддан сайланган Олий Мажлис Сенати аъзосига ёки Қонунчилик палатаси депутатида амалий ёрдам сўраб мурожаат қилиши мумкин.

Олий Мажлис Сенатининг 100 нафар аъзосидан 84 нафари маҳаллий Кенгашлар депутатлари орасидан сайланади, шу боис ҳудуддаги муаммоли масалаларни шу тарзда республика миқёсига олиб чиқиш ҳамда ижро ҳокимияти органларининг эътиборини мазкур муаммоли масалаларга қаратиш мақсадга мувофиқ.

АМАЛИЁТДА ДЕПУТАТ СЎРОВИ БИЛАН ҚАНДАЙ ИШЛАНМОҚДА?

Маҳаллий Кенгаш депутатлари депутат сўровининг мазмун-моҳиятини, унинг ҳуқуқий мақомини тўлиқ тушуниб етишлари лозим. Бугунги амалиётдан келиб чиқиб, депутат сўрови билан ишлаш борасида депутатларни уч гуруҳга ажратиш мумкин.

1-гуруҳдаги депутатлар депутат сўровининг моҳиятини тўлиқ тушуниб етади ва улар томонидан юборилган сўровларда ҳам бу ҳолат ўз аксини топади. Мазкур депутатларнинг депутат сўровларида аниқ масала ёки вазият юзасидан сўров юборилган идора ёки ташкилот раҳбарининг асосланган тушунтириш бериши ёхуд ўз фикрини баён қилиши сўралади.

2-гуруҳдаги депутатлар депутат сўровининг моҳиятини тўла тушуниб етмасдан, бу борадаги қонунчилик билан яқиндан танишмаган ҳолда, етарли бўлмаган ҳуқуқий билим билан депутат сўровига нисбатан тасаввурларида нотўғри таассурот шакллантириб олади ва уларнинг назарида депутат сўрови идора ёки ташкилот раҳбари учун топшириқ бериш ва бажартириш қуроли ҳисобланади.

Бундай фикрловчи депутатлар томонидан юборилган сўровларда тазйиқ, бирор нарсани ундиришга бўлган уриниш, масалан, йўл қурилиш ташкилоти номига ёзилган бўлса, қайсидир йўлни таъмирлашни зудлик билан талаб қилиш каби ёндашув мавжуд. Бу каби депутат сўровларига сўров юборилган раҳбарлар одатда, ҳал этилиши лозим бўлган масаланинг қонуний ечимини эслатиш ёки тушунтириш бериш йўли билан жавоб беришлари, баъзан эса мутлақо жавобсиз қолдиришлари ҳам амалиётда учрамоқда.

3-гуруҳдаги депутатлар депутат сўровининг моҳиятини тўла англаб етмаган ҳолда уни “депутат мурожаати” билан чалкаштиради. Бундай сўровларнинг самарадорлиги кутилгандек бўлмайди.

ДЕПУТАТ СЎРОВИДА ҚАЙСИ МАСАЛАЛАР ЁРИТИЛИШИ ЛОЗИМ?

Депутат сўровида қуйидаги масалалар ёритилган бўлиши мақсадга мувофиқ:

- депутат сўрови юборилиши сабабларининг қисқача асоси;



- депутат сўрови қайси идора (ташкилот, муассаса) раҳбарига юборилаётган бўлса, ўша идора (ташкилот, муассаса)нинг номи ҳамда раҳбарининг фамилияси, исми ва шарифи;
- ахборот (ҳужжатлар) тақдим этиш тўғрисидаги ёки тегишли маълумотларни текшириш ҳақидаги талаблар;
- депутат сўровига жавоб тақдим этиш муддатлари;
- ахборот (ҳужжатлар) тақдим этилмаган тақдирда айбдор шахсга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъсир чоралари кўрилиши мумкинлиги ҳақидаги ёзувлар.

Депутат сўровида унинг предмети, кўтарилаётган масаланинг аниқ ҳолати ва у тўғри ташкилотга йўналтирилган бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

ДЕПУТАТ ТОМОНИДАН ҚАНДАЙ ЖЎНАТМАЛАР ЮБОРИЛАДИ?

Депутат сўровини моҳиятан унга яқин бўлган депутат мурожаати билан чалкаштирмаслик лозим. Депутат мурожаати – бу бирор-бир фуқаронинг шахсий муаммосини ҳал этишда унга амалий кўмак сўраб тегишли ҳудуддаги идора ёки ташкилот раҳбарига юборилган мурожаат ҳисобланади.

Масалан, ҳудуддаги сайловчилардан, яъни фуқаролардан бири ишсизлиги сабабли ишга жойлашишда амалий кўмак сўраб депутатга мурожаат қилди. Ушбу масалани ҳал этиш учун депутат уч хил усулдан фойдаланиши мумкин:

1-усулда депутат шунчаки фуқарога ҳуқуқий маслаҳат (тушунтириш) бериш билан чекланади, яъни бандликка кўмаклашиш марказига бориши зарурлигини таъкидлайди, аммо ушбу усул билан фуқарони рози қила олмайди;

2-усулда депутат фуқарога шунчаки бандликка кўмаклашиш марказига бориш зарурлигини айтиш билан кифояланмай, ишсизлик нафақаси олишига ёрдамлашиши, мурожаатчини ишга жойлаштириш масаласида бандликка кўмаклашиш маркази билан телефон орқали боғланиши ёки мурожаат қилиши мумкин. Кейинчалик ушбу мурожаат назорат қилиб борилади.

3-усулда депутат мурожаатчига ҳам ҳуқуқий тушунтириш беради, ҳам масъул ижро ҳокимияти органига, яъни бандликка кўмаклашиш марказига тавсиявий жиҳатдан боғлаб беради, ҳам



тўғридан-тўғри бирор ишга жойлашишига кўмаклашади. Бу усул ишончли бўлиб, амалиётда бундай усул орқали кўп маротаба амалий натижага ҳамда сайловчилар розилигига эришилган.

Амалиётда муайян бир фуқаронинг маиший муаммосини ҳал этишда амалий ёрдам беришни сўраб ҳам ҳудуддаги тадбиркорлик субъектига депутат сўрови юборилган ҳолатлар учрамоқда.

Масалан, фуқаро фарзандининг контракт пулини тўлаб беришда амалий ёрдам сўраб депутатга мурожаат қилган. Ўз навбатида депутат ушбу мурожаат бўйича контракт пулини тўлаб бериш учун пахта-тўқимачилик кластерига депутат сўрови юборган, кластер эса бу масалани ҳал этолмаслиги юзасидан асосли жавоб йўллаган.

Ёки туман (шаҳар) бюджети маҳаллий Кенгаш сессиясида муҳокама қилинади ҳамда тасдиқланади, кейинчалик эса маҳаллий Кенгаш депутати қайсидир маҳаллада мактаб қуриб бериш ёки реконструкция қилиш бўйича депутат сўровини юборади, ўз-ўзидан бу бюджетда кўзда тутилмаганлиги боис натижаси ҳам бўлмайди.

ДЕПУТАТ СЎРОВИНИ ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИ ҚАНДАЙ?

Депутат сўровининг матни аниқ, қисқа, имловий хатоларсиз ва тушунарли тарзда баён этилган бўлиши лозим, депутат сўрови расмий бланкада расмийлаштирилади ҳамда уни юбораётган депутат томонидан имзоланади.

Депутат сўровининг мазмуни, шакли, санаси, тартиб рақами, манзили аниқ тарзда, ортиқча тазйиқлардан холи ҳолда, сўров юборилаётган мансабдор шахсга нисбатан ҳурмат билан ёзилиши мақсадга мувофиқ.

ДЕПУТАТ СЎРОВИ ҚАНДАЙ РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИ?

Депутат сўрови самарадорлигини ошириш ҳамда ижросини назорат қилиб бориш мақсадида ҳар бир депутат сўрови маҳаллий Кенгаш котибияти томонидан рўйхатга олинishi ҳамда расмийлаштирилиши мақсадга мувофиқ.

Депутат томонидан расмийлаштириш учун берилган депутат сўрови маҳаллий Кенгаш котибияти томонидан қонунчилик

талабларига амал қилиш нуқтаи-назаридан депутат билан келишган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

Шу боис маҳаллий Кенгаш котибиятида депутат сўровини қайд этиш китоби юритилиши мақсадга мувофиқ, унда депутат сўровини юборган депутатнинг исм-фамилияси, сўров юборилган идора ёки ташкилот номи, сўровнинг қисқача мазмуни, ижро муддати ҳамда сўров натижалари кўрсатилади.

Депутат сўровини қайд этиш китобининг электрон тарзда юритилиши ишни енгиллаштириш билан бирга, унинг ижросини мониторинг қилиш ва таҳлил этиш учун ҳам қулайлик яратади.

ДЕПУТАТ СЎРОВИНИ ОНЛАЙН РАСМИЙЛАШТИРИШ МУМКИНМИ?

Маълумки, республикада туман марказидан 100-120 км. узоқликда жойлашган ҳудудлар ҳам бор, ушбу олис ҳудуддаги маҳаллий Кенгаш депутатлари депутат сўровини расмийлаштириш учун туман марказига келиб-кетиши ноқулайликлар туғдириши мумкин.

Шу боис, маҳаллий Кенгаш котибиятида депутат сўровини онлайн тарзда расмийлаштириш имкониятини яратиш лозим. Депутат сўрови онлайн тарзда расмийлаштирилганда депутат унинг нусхасини маҳаллий Кенгаш котибиятига электрон почта манзили орқали юборади.

Депутат сўровидан уч нусха сақлаб қолинади. Унинг бир нусхаси депутатнинг ўзид, бир нусхаси маълумот учун маҳаллий Кенгашнинг тегишли доимий комиссияси раҳбарида, бир нусхаси ижросини назорат қилиб бориш учун маҳаллий Кенгаш котибиятида бўлиши мақсадга мувофиқ.

ДЕПУТАТ СЎРОВИ БЛАНКАСИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Маҳаллий Кенгаш котибияти томонидан депутатлар учун махсус “депутат сўрови” бланкаси тайёрланиши ҳамда депутатларга зарур миқдорда етказиб берилиши лозим. Мазкур бланкада маҳаллий Кенгаш номи, манзили, телефон рақами кабилар кўрсатилиши зарур.

Шунингдек, депутат сўрови юборилган идора ёки ташкилот раҳбарининг эътиборини қаратиш ҳамда масъулиятини ошириш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 193-моддасида жавобгарлик белгиланганлигини қайд этиш лозим.

ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИ ҚАЙ ТАРЗДА ЮБОРИЛАДИ?

Бугунги кун амалиётида депутат сўровини юборишда икки хил усулдан фойдаланилмоқда.

1-усулда депутат сўрови ушбу сўров юборилаётган идора ёки ташкилотга олиб бориб берилади. Бунда сўровни тегишли идора ёки ташкилотнинг девонхонасига ёки ушбу масалалар бўйича масъул ходимга топшириб, унинг нусхасига сўровни олиб қолганлиги ҳақида тегишли санани қўйдирган ҳолда, имзоси билан тасдиқлатиб олиш тавсия этилади. Акс ҳолда депутатлик сўровига жавоб келмаса, сўров юборилганлигини тасдиқлай олмаслик мумкин.

2-усулда депутат сўрови почта орқали юборилади. Бунда сўров ижросининг назоратини олиб бориш мақсадида почта томонидан берилган квитансияни сақлаб қўйиш лозим.

Шунингдек, депутат сўровини маҳаллий Кенгаши котибияти орқали электрон тарзда юбориш ҳам мумкин, бунинг учун маҳаллий Кенгаши котибияти "exat.uz" электрон ҳужжат айланиш тизимига уланган бўлиши лозим.

ДЕПУТАТ СЎРОВИНИ БИР НЕЧТА РАҲБАРЛАРГА ҲАМ ЖЎНАТИШ МУМКИНМИ?

Депутат сўровида баён этилаётган масалалар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан бир нечтасининг ваколатига кирадиган бўлса, депутат сўрови тааллуқлигига кўра ушбу масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш учун бир нечта мансабдор шахсга юборилиши ҳам мумкин.



ДЕПУТАТ СЎРОВИ БИР ГУРУҲ ДЕПУТАТЛАР ТОМОНИДАН ЮБОРИЛИШИ ҲАМ МУМКИНМИ?

Депутатлар томонидан маълум бир масала юзасидан битта депутат сўрови юборилиши ҳам мумкин. Бу эса вақт ва ресурсларни тежайди, қолаверса, жамоавий тарзда юборилган сўровга ўз вақтида ва сифатли жавоб бериш учун идора ёки ташкилот раҳбари ҳам масъулиятни чуқурроқ ҳис этади.

ҚАЙСИ ҲОЛЛАРДА ДЕПУТАТ СЎРОВИНИ ЮБОРИШ МУМКИН ЭМАС?

Депутат сўрови тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг, суриштирув ва тергов органларининг, судларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларни, шунингдек ижро иши юритиш ҳамда нотариал иш юритишнинг муайян материалларини кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолиятга тааллуқли бўлиши мумкин эмас.

Банк ёки тижорат сирини ташкил этувчи ёхуд давлат сирлари жумласига кирувчи маълумотлари бўлган ҳужжатлар ҳам депутат сўрови орқали талаб қилиб олиниши мумкин эмас.

Депутат сўрови депутат томонидан фақат унинг депутатлик фаолияти билан боғлиқ масалалар юзасидангина юборилиши лозим. Депутатлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шахсий манфаатларни кўзлаб депутат сўровини юбориш тақиқланади.

ДЕПУТАТ СЎРОВИГА ҚАНЧА МУДДАТДА ЖАВОБ БЕРИЛИШИ ЛОЗИМ?

Депутат сўровига давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари, агар мазкур сўровда бошқача муддат белгиланган бўлмаса, сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай жавоб бериши шарт.

Бунда ўн кунлик муддат депутат сўрови мансабдор шахс фаолият олиб борадиган идора ёки ташкилотнинг девонхонаси

(канцелярияси)да кириш ҳужжати сифатида рўйхатга олинган санадан бошланишига эътибор қаратиш зарур.

Баъзан амалиётда депутат томонидан депутат сўрови юборилган муддатни ижро муддатининг бошланиш санаси деб ҳисобланиши ва аслида депутат сўрови идора ёки ташкилотда 3 ёки 4 кундан кейин расмийлаштирилганлиги натижасида турли тушунмовчиликлар келиб чиқиш ҳолатлари учрамоқда.

ДЕПУТАТ СЎРОВИГА ЖАВОБНИ КЕЧИКТИРИШ МУМКИНМИ?

Қонунчиликда депутат сўровига, агар мазкур сўровда бошқача муддат белгиланган бўлмаса, сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай жавоб бериш шарт эканлиги белгилаб қўйилган.

Шу билан бирга, амалиётда депутат сўровида баён этилган айрим масалаларга жавоб қайтариш маълум бир вақт талаб этадиган ҳолатлар, яъни ўрганиш зарур бўлган ёки ишончли маълумотларни тайёрлаш учун муддат зарур бўлган ҳолатлар ҳам мавжудлигини қайд этиш лозим.

Бундай вазиятда депутат сўрови юборилган идора ёки ташкилот раҳбари депутатни юборилган сўровга нисбатан жавоб қайтариш муддатини узайтириш зарурати мавжудлиги ҳақида огоҳлантириши ва жавоб бериш муддатининг аниқ санасини кўрсатиб ўтиши лозим.

ДЕПУТАТ СЎРОВИГА МАНСАБДОР ШАХСНИНГ ЎЗИ ЖАВОБ БЕРИШИ ШАРТМИ?

Қонунчиликка кўра, депутат сўровига жавоб ўз номига сўров юборилган мансабдор шахс ёки унинг вазифаларини вақтинча бажараётган шахс томонидан имзоланади.

Депутат сўрови айнан мансабдор шахс номига юбориладиган ҳужжат бўлса-да, амалиётда ушбу масалага мансабдор шахслар етарлича эътибор бермаётган ҳолатлар ҳам мавжуд.

Ҳаттоки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан 2019 йилда жами 242 та депутат сўрови муайян

идоранинг биринчи шахси (раҳбари) номига юборилган бўлса-да, уларнинг 175 тасига (72%) ўринбосарлар, 13 тасига (5%) қуйи ташкилот раҳбарлари, 2 тасига (1%) умуман бошқа идора мансабдор шахслари томонидан жавоб хати берилган.

Депутат сўровига тегишли идора ёки ташкилот раҳбарининг ўзи томонидан жавоб берилишини талаб қилиш – депутатнинг иззатталаблиги деб баҳоланмаслиги лозим. Чунки депутат тегишли сайлов округи сайловчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан сўров юборади, яъни ҳар бир депутат сўрови ортида халқ манфаати ётади.

ДЕПУТАТ СЎРОВИГА БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТДА ЖАВОБ БЕРИЛМАГАН ҲОЛАТДА МАНСАБДОР ШАХСНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ҚАНДАЙ?

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 193-моддасига мувофиқ, депутат сўровини кўриб чиқишдаги қуйидаги ғайриқонуний ҳаракатларга нисбатан жарима солинади:

- сўровни кўриб чиқмасдан қолдириш;
- сўровни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш;
- сўров юзасидан била туриб нотўғри маълумотларни қасддан тақдим этиш.

Бундай ҳолатлар мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

ДЕПУТАТ СЎРОВИГА БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТДА ЖАВОБ БЕРИЛМАГАН ҲОЛАТДА МАНСАБДОР ШАХС ҚАЙ ТАРТИБДА СУДГА БЕРИЛАДИ?

Агарда депутат сўровига ўз вақтида жавоб берилмаса бу ҳақда депутат маҳаллий Кенгаш котибиятига маълум қилади, шунингдек котибиятнинг депутат сўровларини мониторинг қилиб бориш учун бириктирилган масъул ходими бу ҳақда котибият мудирига ва депутатга ахборот бериб боради.

Депутат сўровига белгиланган муддатда жавоб берилмаганлиги, яъни депутатлик фаолиятининг кафолатлари бузилганлиги юзасидан маҳаллий Кенгаш котибияти маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузмасдан ўзининг аризасида ҳуқуқбузарнинг шахси, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва бу ҳуқуқбузарликнинг моҳияти ҳақидаги маълумотларни, шунингдек ишни ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни (депутат сўрови нусхаси, сўровнинг қабул қилинганлиги бўйича имзо қўйилган нусха ёки почтанинг квитанцияси ва шу каби бошқа маълумотларни) кўрсатган ҳолда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

ДЕПУТАТ СЎРОВИГА БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТДА ЖАВОБ БЕРИЛМАГАН ҲОЛАТДА МАНСАБДОР ШАХСНИ СЕССИЯГА ЧАҚИРИШ МУМКИНМИ?

Мансабдор шахс томонидан депутат сўрови бўйича ахборотда аниқ тушунтириш берилмаган бўлса ёки умумий тарзда жавоб берилган бўлса, депутат сўровига ўз вақтида ёки умуман жавоб берилмаган бўлса ушбу мансабдор шахс маҳаллий Кенгаш сессиясига чақиртирилиши, депутат сўровида баён этилган масала бўйича унинг ахбороти эшитилиши ҳамда муҳокама қилиниши мумкин.

Бунда, аввало, ушбу масала сессия кун тартибига киритилиши ҳамда бу ҳақда муҳокамага қўйилаётган мансабдор шахс хабардор қилиниши лозим.

Сессияда депутат сўровини юборган депутат (сўров бир нечта депутатлар томонидан юборилган бўлса улардан бири) ушбу масала бўйича ахборот беради ҳамда депутат сўровига жавоб қайтариш тартибини бузган мансабдор шахс масаласи муҳокамага қўйилади.

Муҳокама якуни бўйича маҳаллий Кенгаш қарори қабул қилинади, агарда мансабдор шахс муҳокама жараёнида кўтарилган масала бўйича тайёр бўлмаган ҳолда иштирок этса, мунтазам равишда депутат сўровига жавоб бермаётган бўлса ёки сўровни кўриб чиқиш тартибини бузиб келаётган бўлса сессияда қабул қилинадиган қарорда ушбу мансабдор шахсга белгиланган

тартибда чора кўриш масаласи акс эттирилиши ҳамда судга ёки юқори органга юборилиши тавсия этилади.

ДЕПУТАТ СЎРОВИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИГА РИОЯ ҚИЛМАЙ ҚОНУНБУЗИЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙГАН РАЎБАР БИР ВАҚТНИНГ ЎЗИДА ДЕПУТАТ БЎЛСА УНГА НИСБАТАН ҚАНДАЙ ЧОРА ҚЎЛЛАШ МУМКИН?

Бугунги кунда идора ёки ташкилот раҳбарлари орасида депутатлар ҳам мавжуд. Агарда депутат сўрови юборилган идора ёки ташкилот раҳбарининг ўзи ҳам депутат бўлса, аввало, уни ёзма равишда огоҳлантириш мақсадга мувофиқ.

Агарда шунда ҳам юборилган депутат сўровига нисбатан бепарво муносабатда бўлса, ушбу масала белгиланган тартибда маҳаллий Кенгаш ёки унинг Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссияси томонидан кўриб чиқилиши лозим.

ДЕПУТАТ СЎРОВИ ИЖРОСИНИ КИМ МОНИТОРИНГ ҚИЛИБ БОРАДИ?

Маҳаллий Кенгаш котибияти (Котибиятнинг масъул ходими) томонидан маҳаллий Кенгаш депутатлари юборган депутат сўровлари ижроси мунтазам назорат қилиб борилади.

Масъул ходим депутат сўровига идора ва ташкилотлар томонидан берилган жавоблар уни юборган депутатларга етказилишини таъминлайди, тегишли идора ва ташкилотлардан депутат сўрови ижросини сўраб олади ва мониторингини амалга оширади.

ДЕПУТАТ СЎРОВИ ҚАЙ ТАРЗДА НАЗОРАТДАН ОЛИНАДИ?

Бугунги кунда аксарият мансабдор шахслар томонидан келиб тушган депутат сўровларига ўз вақтида жавоб берилмоқда. Бундай ҳолатда депутат сўровига жавоб қониқарли бўлса, яъни унда келтирилган масалалар бўйича асослантирилган тушунтириш берилган ёки ўз нуқтаи-назари баён этилган бўлса ушбу депутат сўровини назоратдан олиш мумкин.

Агарда депутат сўровига берилган жавоб тушунарсиз ёки қониқарсиз бўлса унда келтирилган масалаларга аниқлик киритиш мақсадида қайтадан депутат сўрови юборилиши ҳам мумкин.

ИШ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ НАМУНАЛАРИ



ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ _____ КЕНГАШИ

202__ йил “__” _____ шаҳри

_____ га
(идора ёки ташкилот раҳбари)

ДЕПУТАТ СЎРОВИ

_____.
(депутат сўрови юборилиши сабабининг асоси)

“Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги Қонуннинг 5 ва 8-моддаларига мувофиқ, Сиздан, қуйидаги масалалар бўйича асосланган ахборот беришингизни (ёки ўз муносабатингизни билдиришингизни) сўрайман:

1. _____;
2. _____.

Эслатма: Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 193-моддасига кўра, депутат сўровини кўриб чиқмасдан қолдириш ёки уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш ёхуд улар юзасидан била туриб нотўғри маълумотларни қасддан тақдим этиш базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши мумкин.

Халқ депутатлари _____
Кенгаши депутати

ИМЗО

Ф.И.О.

ижрочи: _____
телефон: _____
манзил: _____

Намуна



ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ _____ КЕНГАШИ КОТИБИЯТИ

202__ йил “__” _____ шаҳри

_____ **га**

(суд раиси)

АРИЗА

“Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги Қонуннинг 5 ва 8-моддаларига мувофиқ, халқ депутатлари _____ Кенгаши депутати _____ 2021 йил 1 июнь куни _____ раҳбари _____ га қуйидаги масалалар бўйича асосланган ахборот беришни (ёки ўз муносабатини билдиришини) сўраб депутат сўрови юборган.

1. _____;
2. _____.

Мазкур депутат сўровига _____ га қадар жавоб берилиши лозим эди, аммо орадан _____ кун ўтган бўлса-да, депутат сўровига жавоб берилмаган.

Шу муносабат билан, ушбу мансабдор шахсга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 193-моддасига биноан тегишли чора кўришингиз сўралади.

Илова: __ varaқда (депутат сўрови, ушбу хужжатнинг қабул қилиб олинганлиги ва бошқа маълумотлар).

**Халқ депутатлари _____
Кенгаши котибияти мудири**

_____ *имзо*

_____ *Ф.И.О.*

Намуна

**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ _____ КЕНГАШИ
ДЕПУТАТ СЎРОВЛАРИНИ ҚАЙД ЭТИШ
КИТОБИ**

№	Депутатнинг Ф.И.О.	Сўров юборилган идора, ташкilot	Сўров рақами ва юборилган сана	Сўровнинг қисқача мазмуни	Ижро муддати	Ижро натижаси	Изоҳ

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг музоахатлари тўғрисида”ги қонуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 31 июлдаги “Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг намунавий регламенти ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги СҚ-360–IV-сон қарори.
8. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатлари фаолиятини ташкил этишнинг айрим жиҳатлари бўйича услубий тавсиялар. Амалий қўлланма. Муаллифлар: Ф.В. Ким, Б.Ф. Ҳасанов – Тошкент: 2012.
9. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш [Матн]: амалий қўлланма / Г.Исмаилова [ва бошқ.]. – Тошкент: Spectrum Media Group, 2015.
10. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини тўғри ва самарали ташкил этиш масалалари бўйича услубий қўлланма (амалиётда фойдаланиш учун) [Матн]: қўлланма / Н.Қиличев, Э.Нуриллаев, Қ.Муқумов. – Тошкент: Baktria press, 2021.
11. Парламент ва маҳаллий Кенгашларда депутатлик сўровлари билан самарали ишлашнинг усул ва воситалари илмий-услубий қўлланмаси С.Ахатжонов, Р.Жўраев. – Наманган: ARJUMAND MEDIA, 2020.

